O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI INV.

1995 йил 10 июндан чиқа бошлаган

MILLIY TIKLANISH

Миллий Тикланиш

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТА

2008 йил 24 (461)-сон

11 ИЮНЬ Чоршанба

«ШАРҚ ЗИЁКОРИ» – ҚАРШИДА

Китобсеварлик — яхши фазилат. Кўча-кўйда китоб кўтарган, газета-журнал мутолаа қилган одамларга ўзгача меҳр, ҳурмат билан қараймиз. Яқинда Қарши шаҳри марказида "Шарқ зиёкори" китоблар савдо маркази иш бошлади. Бу қаршилик китобсеварларни, албатта, қувонтирди.

— Ушбу савдо маркази Тошкент шаҳридаги "Шарқ зиёкори" очиқ акциядорлик жамиятининг Қарши шаҳридаги филиали ҳисобланади, — дейди қаршилик тадбиркор Ойбек Олимов. — Замонавий бинода иш бошлаган марказда барча соҳаларга оид китоблар мавжуд. Бу ерда канцелярия моллари, юридик, бадиий, тиббиёт, болалар, мактаб, коллеж ҳамда лицейлар учун адабиётлар билан савдо қиладиган бўлимлар фаолият кўрсатмоқда.

Суратларда: "Шарқ зиёкори" китоблар савдо маркази биносининг умумий кўриниши; болалар адабиёти бўлими сотувчиси Лобар Йўлдошева харидорлар билан.

Шомурод ШАРОПОВ (ЎзА) олган суратлар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги конституциявий қонун ва Ўзбекистонда демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш масалаларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАР ВА СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР

Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти, мамлакатимизда фаолият юритаётган сиёсий партиялар ва Конрад Аденауэр номидаги жамғарманинг (Германия) минтақавий ваколатхонаси билан ҳамкорликда ташкил этилган ушбу тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, сиёсий партиялар фракциялари аъзолари, Германия Бундестаги делегацияси, мамлакатимиз ва хориж экспертлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосарлари — сиёсий партияларнинг парламентдаги фракциялари раҳбарлари — Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси раҳбари А. Шодмонов, Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси раҳбари А. Рустамов, Ўзбекистон Фидокорлар миллий-демократик партияси фракцияси раҳбари А. Турсунов ва бошқалар маъруза қилди.

Мустақиллик йилларида юртимизда, бошқа соҳаларда бўлгани каби, сиёсий партияларнинг кенг кўламда ижтимоий-сиёсий фаолият юритишини таъминлайдиган мустаҳкам қонунчилик базаси яратилди. Кўппартиявийлик ва сайловчиларнинг хоҳиш-иродасини ҳурмат қилиш тамойилларига асосланган, замонавий талаб ва андозаларга жавоб берадиган сайлов тизими ишлаб чиқилди.

Ҳозирги кунда сиёсий тажриба орттириш, сиёсий камолотга етишиш, энг муҳими, жамиятда ўзининг муносиб ўрнини мустаҳкамлаш — булар Ўзбекистондаги барча сиёсий партиялар босиб ўтаётган йўлдир. Шу билан бирга, демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини янада ошириш мақсадида сиёсий партияларнинг давлат ва жамият ҳаётида тутган ўрни ва ролини кучайтиришга оид қонунчиликни янада такомиллаштиришни тақозо этди. Бу борада Президентимиз ташаббуси билан қабул қилинган ва жорий йилнинг 1 январидан кучга кирган "Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги конституциявий қонун муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Давра суҳбатида Ўзбекистонда сиёсий партияларнинг фаолиятини янада такомиллаштириш, ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги ўрнини мустаҳкамлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётгани таъкидланди. Жумладан, фракциялар раҳбарлари Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари саналади. Бундай ҳуқуқий механизмлар сиёсий партияларнинг Олий Мажлис фаолиятини ташкил этишдаги, шунингдек, вакиллик ва ижро ҳокимияти органларини шакллантириш, уларнинг фаолиятини назорат қилишдаги роли ва аҳамиятини кучайтирди.

Германиялик экспертлар Германия парламенти — Бундестагнинг қуйи ва юқори палаталари ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик тизими, парламентаризмнинг ҳозирги кундаги ривожи ва истиқболлари, депутатлар корпусининг иш тажрибаси ҳақида сўзладилар. Хусусан, ХДС/ХСС партиясининг Бундестагдаги фракцияси вакили Йоахим Хёрстер, сўллар партияси фракцияси депутати, доктор Хаки Кескин сиёсий партияларнинг ўз электорати билан ишлашининг асосий босқичлари ва механизмлари, Германиядаги фуқаролик жамияти институтларининг фаолияти ҳақида тўхталди.

Давра суҳбатида Ўзбекистонда халқаро андозаларга жавоб берадиган муҳим ҳуқуқий асос яратилгани, айниқса, «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги конституциявий қонунни амалга оширишдаги мамлакатимизнинг кўпқиррали тажрибаси германиялик экспертлар томонидан юксак баҳоланди.

Шу куни Германия парламенти делегацияси аъзолари Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) Сайёра Рашидова билан учрашди. Муяокот чоғида Ўзбекистон билан Германия ўртасидаги алоқалар барча соҳаларда бўлгани сингари, ҳуқуқ-тартибот ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида ҳам жадал ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди.

Германия делегацияси аъзолари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида, шунингдек, қатор вазирлик ва идораларда ҳам музокаралар ўтказди.

(ЎзА).

ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ЭРКИНЛИГИ – ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ БАРПО ЭТИШНИНГ МУҲИМ ШАРТИ

Тошкентда 9-10 июнь кунлари замонавий демократик жамиятда оммавий ахборот воситалари эркинлигига бағишланган халқаро конференция бўлиб ўтди. Уни Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти Минтақавий сиёсат жамғармаси ва Ўзбекистон Республикаси Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий маркази билан ҳамкорликда ташкил этди.

Конференцияда Буюк Британия, Германия, Миср, Исроил, Индонезия, Хитой, Кувайт, Малайзия, Польша, Жанубий Корея, Россия, АҚШ, Туркия, Украина, Франция, Япония каби жами 18 мамлакатдан эксперт, таҳлилчи ва журналистлар, шунингдек, Ўзбекистонда аккредитациядан ўтган қатор халқаро ташкилотлар ва дипломатик корпус вакиллари иштирок этди.

Конференцияда Европа, Осиё ва Америкадан кўплаб етакчи мутахассислар қатнашгани хорижий мамлакатлар жамоатчилигида Ўзбекистонда юз бераётган ижобий ўзгаришларга қизиқиш кучайиб бораётганидан ёркин далолатдир. Икки кун давом этган анжуманда экспертлар демократик жамият барпо этиш шароитида оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш билан боғлиқ долзарб масалаларни муҳокама қилдилар. Жумладан, мамлакатни демократлаштириш ва модернизация қилишнинг ғоят муҳим шарти бўлган оммавий ахборот воситаларини эркинлаштириш, эркин фикр билдириш ва ахборот олиш эркинлигини таъминлаш, оммавий ахборот воситалари фаолиятига умумэътироф этилган халқаро ҳуқуқ меъёрлари ва демократик андозаларни жорий этиш масалалари ҳамда жамиятни демократик янгилаш жараёнида устувор аҳамият касб этадиган ахборот соҳасини эркинлаштиришнинг бошқа жиҳатлари ҳақида сўз юритилди.

«Ушбу конференция Ўзбекистонда ўтказилаётган ғоят хайрли тадбирларнинг муқаддимасидир. Унда кўтарилган мавзу ЕХҲТга аъзо 56 мамлакатнинг барчаси, жумладан, Марказий Осиё давлатлари учун ҳам жуда муҳимдир», — деди Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг (ЕХҲТ) оммавий ахборот воситалари эркинлиги масалалари бўйича вакили Миклош Харашти анжуманнинг очилишида. Унинг фикрича, «ушбу конференция Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларини эркинлаштириш, демократлаштириш ва монополиядан чиқариш йўлидан изчил бораётганидан далолатдир».

Анжуманда демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш йўлини танлаган Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари ва манфаатлари Президент Ислом Каримов юритаётган сиёсатнинг ғоят муҳим устувор йўналишига айлангани таъкидланди. Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан кейин қўшилган биринчи халқаро ҳужжат Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси бўлди. Ушбу декларация қоидалари инсоннинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқ ҳамда эркинликлари, жумладан, ахборот олиш ва ўз фикрини эркин ифода этиш ҳуқуқи ишончли ҳимоя қилинишини кафолатлайдиган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, миллий қонунчилигида ўз ифодасини топган. Конференция иштирокчиларининг фикрича, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 1 майда қабул қилинган «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар дастури тўғрисида»ги фармони бу йўналишдаги яна бир муҳим қадам бўлди. Дастурда эркин оммавий ахборот воситаларини ривожлантиришга қаратилган тадбирлар алоҳида ўрин тутади. Қайд этилганидек, жаҳоннинг ҳеч бир мамлакатида ушбу муҳим халқаро ҳуқуқий ҳужжатга, уни аҳоли ўртасида кенг тарғиб этиш масаласига бу қадар катта эътибор берилаётгани йўқ.

Бугун Ўзбекистонда мингдан зиёд оммавий ахборот воситалари фаолият юритмоқда. Сўнгги ўн йил ичида босма оммавий ахборот воситалари сони икки баравар кўпайиб, ҳозир қарийб 900 газета ва журнал чоп этилмоқда, тўртта ахборот агентлиги, ўнлаб телерадиоканаллар, шунингдек, Интернет-агентликлари ва ахборот хизматлари ишлаб турибди. Мустақил оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш, ахборот соҳасида бозор механизмларининг изчил ва босқичма-босқич жорий қилинишини таъминлаш бўйича самарали чора-тадбирлар кўрилди. Нодавлат радио ва телестанциялар, босма нашрлар ва агентликлар тармоғи жадал ривожланмоқда. Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоатчилик фонди, Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази ташкил этилди. Журналист кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш Давлат дастури амалга оширилмоқда. Мамлакатда фикрлар хилма-хиллиги ва аҳолининг сиёсий маданиятини шакллантиришга хизмат қиладиган кўп партияли матбуот ривожланмоқда. Ўзбекистон жамиятининг кўп миллатли эканлиги инобатга олиниб, 12 тилдаги газеталар чоп этилмоқда, кўп тилларда телекўрсатув ва радиоэшиттиришлар олиб борилмоқда.

Конференцияда хорижий экспертлар Ўзбекистонда оммавий ахборот воситаларини эркинлаштириш босқичма-босқич, изчил, тизимли ва тадрижий тарзда амалга оширилаётганини алоҳида таъкидладилар. Мамлакатда мустаҳкам қонуний асос шакллантирилган. У умумэътироф этилган халқаро меъёр ва андозаларга мос бўлиб, ахборот соҳасини жадал, изчил ва эркин ривожлантириш учун шарт-шароит яратмоқда. Оммавий ахборот воситалари фаолиятини тартибга солувчи ўндан зиёд қонун қабул қилинган. Улар орасида «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида», «Ахборот олиш эркинлиги ва кафолатлари тўғрисида», «Реклама тўғрисида»ги ва бошқа қонунлар бор. Цензурага, ахборотнинг монополлаштирилишига йўл қўйилмаслиги, оммавий ахборот воситаларининг ахборот олиш, қайта ишлаш ва тарқатиш ҳуқуқлари, журналистларнинг профессионал фаолиятини кафолатлаш ва ҳимоя қилиш қонунан белгиланган, оммавий ахборот воситаларини рўйхатдан ўтказиш қоидалари соддалаштирилган. Шунингдек, журналист текшируви ҳуқуқи қатъий белгилаб қўйилган. Бу шундай муҳим қонуний меъёрки, ривожланган мамлакатлар уни қонун йўли билан тасдиқлаши учун 100 йилдан ортиқ вақт керак бўлган.

«Ўзбекистонда, ҳақиқатан ҳам, оммавий ахборот воситалари ва журналистиканинг мустақиллигини таъминлаш йўлида муҳим қадамлар қўйилган, — деди Жанубий Кореяда нашр этиладиган «The Korea Post» журнали президент-ношири Ли Кёнг Сук. — Бутун мамлакатда халқингиз тараққиёт йўлида фидокорона меҳнат қилаётганини кўриш мумкин. Конференция арафасида Самарқанддаги хусусий телестанциялардан бирининг фаолияти билан танишиш имконига эга бўлдим. Мен мамлакатингизда хусусий бошқариладиган ва молиялаштириладиган оммавий ахборот воситалари фаолият кўрсатаётганини, бу эса уларнинг мустақиллигини таъминлаётганини юксак баҳолайман. Бу — Ўзбекистонда телекоммуникациялар соҳасида нодавлат сектори ривожланаётганидан, жамият демократик янгиланаётганидан ёркин далолатдир».

Конференцияда таъкидланганидек, Ўзбекистонда оммавий ахборот воситалари фаолиятини янада такомиллаштириш, уларнинг иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлаш, моддий-техника базасини яхшилаш, илғор технологиялар ва замонавий ускуналар билан жиҳозлаш, журналист кадрлар тайёрлаш ва уларнинг касб маҳоратини ошириш масалалари давлатнинг доимий диққат-эътиборида турибди.

«Ўзбекистонда босқичма-босқич ва пухта ўйланган демократик фуқаролик жамияти барпо этилмоқда. Бунда демократлаштиришнинг жаҳонда умумэътироф этилган асослари миллий анъаналар билан уйғунлаштирилмоқда, бу ижобий тажрибани Украинада ҳам қўллаш яхши самара берган бўлар эди, — деди Фуқаролик институтлари муаммоларини тадқиқ этиш маркази (Украина) директори Виталий Кулик. — Мамлакатингизда давлат ва Президент мустақил оммавий ахборот воситаларини ривожлантиришда амалий ёрдам кўрсатмоқда. Бунинг учун махсус жамоатчилик жамғармаси тузилган, электрон оммавий ахборот воситалари ва Интернет маконини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришга қаратилган мақсадли фармонлар, меъёрий ҳужжатлар қабул қилинмоқда, янги веб-сайтлар, мустақил телестанциялар очилмоқда. Журналист кадрлар тайёрлаш яхши йўлга қўйилган. Демократия журналистиканинг ижтимоий масъулияти тушунчаси билан мустаҳкамланган тақдирдагина самарали бўлади».

Давоми 2-бетда

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциясининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда фракция аъзолари, партия Марказий кенгаши девони ходимлари иштирок этишди. Йиғилишни парламент қуйи палатаси Спикери ўринбосари, ЎзМТДП фракцияси раҳбари Хуршид Дўстмуҳамедов очиб, йиғилганларни кун тартибидаги масалалар билан таништирди.

ҚОНУНЛАРГА ИНСОНПАРВАРЛИК ЖИҲАТДАН ЁНДАШИЛМОҚДА

Кун тартибидаги масалалар — «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ва Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси (биринчи ўқиш) ва «Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 85-моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси (биринчи ўқиш) юзасидан Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси Абдил Тўхташевнинг ахбороти тингланди.

Таъкидланганидек, этил спирти ва алкоголли маҳсулотларни қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш ва сотилишининг олдини олиш борасида прокуратура органлари томонидан бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар билан ҳамкорликда қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Содир этилган жиноятлар таҳлил қилинганида уларнинг 3,8 фоизи жуда кўп миқдордаги, 11,3 фоизи кўп миқдордаги, 33 фоизи эса анча миқдордаги маҳсулотларнинг ноқонуний муомаласи билан боғлиқлиги аниқланган. Бундай қонунбузарликларнинг олдини олиш мақсадида юқоридаги кодексларга ўзгартиш киритиш таклиф этилмоқда. Масалан, илгари бир киши кўчада ноқонуний равишда спиртли ичимликлар ва тамаки маҳсулотлари сотадиган бўлса, унга нисбатан энг кам иш ҳақининг 200 бараваригача ёки 3 йилгача ахлоқ тузатиш чоралари кўрилган. Янги таҳрирдаги қонун лойиҳаси эса уни тартибга солиш билан кифояланади, холос.

Фракция йиғилиши

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси томонидан киритилган мазкур қонун лойиҳаси фракция аъзолари томонидан қизғин муҳокама қилиниб, ялпи мажлисга тақдим этилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари жорий йилнинг 26-30 май кунлари сайловчилар билан учрашувлар ўтказди. Фракция аъзолари мазкур масала юзасидан ҳисобот беришди. Учрашувларда сайловчилар томонидан Президентимиз Фармонига кўра ёш оилаларга берилаётган имтиёзли кредитлар, қонунлар ижроси, тайёрланаётган қонунларга таклифлар ва ёш болаларга берилаётган нафақа пуллари юзасидан саволлар берилди. Энг муҳими, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий онги ошганлиги алоҳида қайд этилди.

Йиғилишда, шунингдек, партия ҳаётига оид бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

Гули ОЛИМОВА.

Индонезия Ўзбекистоннинг Жанубий-Шарқий Осиёдаги муҳим иқтисодий шерикларидан ҳисобланади. Индонезия мамлакатимиз мустақилликка эришгандан кейин Президент Ислом Каримов ташриф буюрган дастлабки хорижий давлатлардан биридир. Мазкур ташриф асносида мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни ривожлантиришнинг ҳуқуқий асослари яратилди.

Яқинда Президентимиз Ислом Каримов Оқсаройда Индонезия Республикаси ташқи ишлар вазири Ҳасан Вираюдани қабул қилганида шундай деб таъкидлади: «Ташрифингизга ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришга интилиш ва қизиқиш муштарак эканининг яна бир ифодаси сифатида қараймиз. Ўзбекистон ва Индонезия ўртасида узоқ масофа бўлишига қарамай, бизни тарихий ва маънавий яқинлик, ягона дин бирлаштириб туради».

МИНГ ОРОЛЛАР МАМЛАКАТИ

Ҳ. Вираюданинг ташрифи асносида икки томонлама ҳамкорлик бўйича қўшма комиссия тузиш тўғрисидаги ҳукуматлараро меморандум имзолангани Ўзбекистон ва Индонезия барча соҳаларда ўзаро алоқаларни янги босқичга кўтариш тарафдори эканлигининг далолатидир.

Яқинда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси расмий делегацияси Индонезия мамлакати сафарида бўлиб қайтди. Индонезияликлар Ўзбекистон парламенти вакилларини самимий ва илиқ кутиб олишди. Ўзига хос тараққиётга эга ажойиб ўлка, ажойиб кишилар билан танишдик. Мамлакатнинг иккита — Ява ва Кичик Зонд оролларида бўлдик.

Минг оролар мамлакатига саёҳатимиз Индонезиянинг республикамиздаги фавқулодда ва мухтор элчиси Шаҳриддин Сабаруддин билан учрашувдан бошланди. Индонезия Республикаси билан дастлаб шу ерда танишдик. Индонезия Осиё ва Австралия материклари орасидаги кенгликларда 13 минг 700 дан ортиқ оролларда жойлашган. Тинч ва Ҳинд океанлари ўраб турадиган ва экватор чизиғи кесиб ўтган бу мамлакатнинг табиати ўзига хос. Кун билан тун тенг. Тонг мунтазам бир пайтда соат олтида отиб, кун бир пайтда соат олтида ботади. Об-ҳавоси мўътадил. Намлик жуда юқори бўлади. Фақат май-октябрь ойларида ёнғингарчилик камаяди.

Қишин-ёзин бир хил ҳарорат ҳукмронлик қилади. Мамлакатнинг ҳар бир оролида вулқонлар мавжуд бўлиб, энг катта вулқон Суматра оролидаги Керинчидир. Унинг баландлиги 3800 метр. Индонезия жаҳонда нафақат оролари ва вулқонлари кўплиги билан машҳур, балки денгиз орқали чегараси кўплиги билан ҳам ажралиб туради. У 19 та мамлакат билан денгиз орқали чегарадошдир.

Нидерландия мамлакатининг мустамлакасидан 1945 йил 17 августда озод бўлган ушбу республиканинг шиори "Бирлик — турли хилликда". Чунки кўпмиллатли ҳамда диний эътиқоди ҳам турли хил бўлган мусулмонлар, буддавийлар, христианлар, католиклар ва индуизм эътиқодидаги кишилар яшайдилар. Миллий фалсафаси панчасила, яъни дунёдаги асосий диний эътиқодларни расмий тан олишади. Мамлакат фуқароларининг диний эътиқоди паспортида ҳам алоҳида белгиланади. Аҳолисининг 87 фоизи мусулмонлар бўлиб, улар асосан Ява, Суматра ва Мадур оролларида истиқомат қилади.

Мамлакатдаги умуммиллий тил — бахаса индонесиа бўлиб, австронезий тиллар гуруҳига киради ва малайзия тили асосида ривожланган. Шунингдек, 250 дан ортиқ тилда гапирувчи халқлар мавжуд бўлиб, маҳаллий шеваларни, яъни бир-бирига яқинроқ қабилаларнинг тилларини ҳам эътиборга оладиган бўлсак, олти юз нафарга етиб қолади. Бу борада ҳам индонезияликлар жаҳонда рекорд кўрсаткичга эга. Мамлакатнинг бир қисм аҳолиси хитой тилида гапиради. Курорт шаҳарларида эса асосан инглиз тилида мулоқот қилишади. Ёзуви лотин алифбосига асосланган.

Жаҳондаги буддавийларнинг энг катта ибодатхоналаридан бири ҳам ушбу мамлакатда жойлашган. Боробудур, яъни тоғдаги ибодатхона ёки мингбутлар ибодатхонаси деб номланувчи ушбу обида VIII асрда бунёд этилган бўлиб, катталиги жиҳатидан жаҳонда учинчи ўринда туради ва бутхона мамлакатдаги иккинчи энг катта шаҳар — Жокьякарта ёнида жойлашган. Унда қадимий ҳинд эпоси "Рамаяна" ва "Маҳабҳорат" асарларида тилга олинган маъбудлардан 504 дан ортиғи тасвирланган.

Яқинда Сулавеси оролидаги Манадо шаҳрида Исо пайғамбарга атаб жаҳондаги энг катта — 30 метрлик ҳайкал бунёд этилди. Олтмиш тонналик ёдгорлик уч йил давомида қурилди. Дунёда катталиги жиҳатидан иккинчи ўринда турадиган Исо пайғамбар ҳайкали ҳам ушбу мамлакатда бўлиб, у Шарқий Тимур пойтахти Дили ёнидаги Фатукама тоғида бунёд этилган. Ана шу мисолларнинг ўзи ҳам бу ерда турли диний эътиқоддаги кишилар истиқомат қилишини кўрсатиб турибди. Бали оролларини очиқ осмон остидаги ибодатхона дейишади. Чунки бу ерда 20 000 ибодатхона мавжуд, шунингдек, ҳар бир хонадон, меҳмонхона, магазин олдида ҳам ибодат учун махсус жойлар ажратилган. Бутларнинг рамзи ифода этилган.

Юртимиздан учган самолёт етти ярим соатдан кейин Малайзия пойтахти Куала Лумпурга қўнди. Ундан кейин самолётда Индонезиянинг пойтахти Жакартагача икки соатлик масофа экан. Аэропортда бизни парламент вакиллари кутиб олишди. Самимий суҳбатдан кейин "Султан" меҳмонхонасига қараб йўл олдик.

Мамлакат ҳудуди катталиги жиҳатидан жаҳонда 15-ўринни эгаллайди. Аҳолисининг кўплиги жиҳатидан эса жаҳонда 4-ўринда бўлиб, 245 миллионга яқин аҳоли истиқомат қилади. Мамлакат пойтахти Жакарта Ява оролида жойлашган бўлиб, ушбу орол жаҳонда аҳолисининг тиғизлигига кўра биринчи ўринда туради. Жакарта истиқлолгача Батавия деб юритилган. Шаҳарда замонавий баланд бинолар билан бирга XVII-XVIII асрга оид маданий обидалар ҳам кўп бўлиб, Жакартанинг энг қадимий майдони Таман Фатаҳила қадимий обида — тарих музейи билан уйғунлашиб кетади. Яна бир катта майдони Истиқлол (Мейдан Мердек) деб аталади. У ерда 132 метрли Миллий монумент қад ростлаган. Султан, майдон сўзларининг бизнинг тилда ҳам айнан шу маънода ишлатилиши ушбу давлатга бўлган қизиқишимизни янада орттирди.

Мамлакат 33 та вилоятга (провинция) бўлинади ва 6 та маъмурий-ҳудудий бўлинма орқали бошқарилади. Индонезиянинг энг катта шаҳарлари — Жакарта билан Жокьякарта ҳам вилоят статусига эга. Вилоятларни губернаторлар бошқаради. 2005 йилдан бошлаб, улар ҳам умумхалқ сайловида танлаб олинадиган бўлинди. Вилоятлар округ ва шаҳарларга бўлинади. Округни регент, шаҳарни мэр бошқаради. Улар ҳам аҳоли томонидан беш йилга сайланади. Мамлакатда 2007 йилги маълумотга кўра 349 округ ва 91 шаҳар мавжуд.

Республика мустақилликдан сўнг бозор иқтисодиётига асосланган тараққиёт йўлини танлаган. Бу ерда йирик-йирик компаниялар, яъни 160 дан ортиқ компаниялар давлатга қарашлидир. Иссиқлик-энергетика ва озиқ-овқат компаниялари деярли давлат ихтиёрида бўлиб, 1997 йилги иқтисодий кризисдан кейин янада кўпгина йўналишларни ўз ихтиёрига олиб ривожлантирмоқда.

Мамлакатнинг бугунги президенти Сусило Бамбанг Юдхойоно 2004 йили биринчи марта умумхалқ сайлови асосида давлат тепасига келди. Унгача мамлакат президенти парламент, яъни Халқ консультатив конгресси томонидан сайланган. Сусило Бамбанг Юдхойононинг мутахассислиги ҳарбий бўлиб, Индонезия ва АҚШда таълим олган. 1975 йилги Шарқий Тимурдаги сепаристларга қарши курашларда фаол қатнашган. Сиёсат оламига 1999 йил Демократик партиянинг раҳбари сифатида кириб келган. У етакчилик қилган Демократик партия парламентда 7,5 фоиз овозга эга.

Индонезиядаги расмий учрашувимиз Халқ вакиллари палатаси Спикери Агунг Лаксоно бошчилигидаги парламент гуруҳи билан бошланди. Индонезия парламенти, унинг вакиллари, қўмиталари ва халқ хўжалигининг йўналишлари билан танишдик. Икки мамлакатнинг кўпгина сўзлари уйғунлигини шу ерда билдик. Мажлис, девон, вакиллик сўзлари уларнинг парламентида ҳам ишлатилар экан. Спикер келажакда парламентлараро муносабатларни янада ривожлантириш истаги борлигини билдирди. Шунингдек, мамлакатлараро савдо алоқаларини яхшилаш лозимлигига алоҳида эътибор берди. Ушбу йўналишда кўргазма очиш таклифини айтди.

Сафар таассуротлари

Парламент ҳақида гапирганда сўзсиз партия ва фракциялар ҳақида гапиришга тўғри келади. Индонезия парламентининг тузилиши бизнинг парламентга ўхшаб кетади. Бу ерда 2004 йили мамлакат конституциясига ўзгартишлар киритилган ва шу даврдан бошлаб икки палатали парламент фаолият юритади. Халқ вакиллари палатаси 550 депутатга эга, Ҳудудий вакиллар палатаси эса 128 депутатдан иборат. Иккала палата вакиллари ҳам худди биздагидек беш йил муддатга сайланади. Сайловларда фақат партиялар қатнашиш ҳуқуқига

эга. Аввалари ҳарбийларга квота бериларди. Охирги сайловда бу қоида бекор қилинди. Ўн уч депутати бўлган партиягина парламентда ўз фракциясини тузиш ҳуқуқига эга.

Мамлакатда 200 га яқин сиёсий партия мавжуд. Партиялар сайловларда қатнашиш учун учдан бир провинцияни ҳамда ҳар бир провинциянинг иккидан бир районини қамраб олмоғи керак. Сайловлар ҳақидаги қонунда сайлов даврида давлат бюджетидан фойдаланиш маън қилинади. Шунингдек, сайлов жараёнларида коммунистик партиянинг ва мамлакатда тақиқланган бирор-бир ташкилотнинг вакили қатнаша олмайди. Партияларнинг дастури 1945 йили қабул қилинган мамлакат конституциясига ва панчасила принципларига мос келиши шарт. 2 фоиз овоз ололган партия кейинги сайловларда қатнашиш ҳуқуқини йўқотади. Масалан, 1999 йилги парламент сайловларида фақат 48 партия қатнаша олди ва ундан 21 нафари парламентга ўтди. Улардан 14 нафари 2 фоиздан кам овоз олди ва 2004 йилги сайловда 17 нафари қатнаша олмади.

Ҳозир парламентда 10 та партия ўз фракциясига эга. "Демократия юлдузлари ва етакчилари" фракцияси 5 та кичик партиянинг бирлашишидан ташкил топган бўлиб, 20 нафар аъзоси бор. "Тинчлик ва тараққиёт" партиясининг фракцияси энг кам сонли бўлиб, 13 аъзога эга. Сон жиҳатдан энг катта фракция "Голкар" бўлиб, у парламентда 128 ўринга эга. Ушбу партия мамлакатнинг биринчи президенти Суҳарто томонидан 1960 йилда ташкил этилган. Бугунги кунда партия етакчиси мамлакатнинг вице президенти Юсуф Калла.

"Курашувчи" демократик партия фракцияси парламентда миқдор жиҳатдан иккинчи ўринда, 109 депутат фаолият юритади. "Бирлик ва тараққиёт" партияси 58 ўринга эга. Мамлакатнинг бугунги президенти Сусило Бамбанг Юдхойононинг парламентдаги таянчи Демократлар партияси бўлиб, у 2004 йил ташкил топган. Фақат парламентда улар камчилик, яъни 57 ўринни эгаллашган.

"Миллий тикланиш" (52 ўрин), "Миллий мандат" (52 ўрин) ҳамда "Адолат ва тараққиёт партияси" ислом ғояларини, шариат қонунқоидаларини мамлакат бўйлаб ёйишга ҳаракат қилувчи партиялардир. "Адолат ва тараққиёт партияси" фракцияси 45 кишидан иборат бўлиб, у 1998 йили ташкил топган.

Мамлакатнинг қонун ижодкорлигида ҳам давлатларимиз ўртасида ўзига хосликлар кўп. Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъекти томонидан киритилган қонун лойиҳаси парламент томонидан қўллаб-қувватланмаса, уни палата муҳокамасига олиб чиқиш мумкин эмас. Қонунлар худди биздагидек мамлакат президенти тасдиғидан кейин кучга киради.

Индонезияликлар кейинги пайтларда одобахлоққа оид ҳуқуқий нормаларга алоҳида эътибор беришяпти. 1886 йили голландлар колонияси даврида қабул қилинган Жиноят кодексини яқинда умумхалқ муҳокамасидан ўтказишиб, қайта қабул қилишди. Ушбу кодекс устида деярли 25 йил ишлашди. Унга киритилган ўзгаришлардан бири — никоҳсиз яшаётганлар, ҳатто жамоат жойларида қучоқлашиб, ўпишиб турувчилар жиноий жавобгарликка тортилиб, 10 йил озодликдан маҳрум этилади ёки 300 миллион рупий (33 минг доллар) жарима тўлайди. Бундай ҳуқуқий норма Араб амирлиги, Занзибар ва Мисрда ҳам мавжуд. Шунингдек, бадиий ва ҳужжатли фильмларда порнография акс этса, бундай фильмларнинг намойиши тақиқланади. Муаллифи судга тортилади. Полицияга ушбу кишиларнинг уйида тинтув ўтказишга рухсат берилади.

Янги Жиноят кодексига кўра жамоат жойларида чекувчилар ҳам жиноий жавобгарликка тортилади. Олти ой озодликдан маҳрум қилинади ёки 50 миллион рупий (5,5 минг доллар) жарима тўлайди. Расмий хабарларга кўра бугунги кунда Индонезиядаги эркакларнинг 60 фоизи, аёлларнинг 4 фоизи чекади.

Учрашувда индонезияликлар Гендер масалалари билан ҳам қизиқишди. Уларнинг парламентида аёллар камчиликни, яъни 6 фоизни ташкил этар экан. Келажакда худди бизнинг парламент сайловларида аёлларга квота белгиланганидек, улар ҳам квота белгилашни (учдан бири аёллар бўлишига эришиш ниятида) кўзлашаётганлигини билдиришди. Шунингдек, "Сиёсий партиялар тўғрисида"ги қонун уларда энди тайёрланаётганлигини айтиб тўшди.

Кечқурун Спикер Ўзбекистон парламенти шарафига зиёфат уюштирди. Бу ерда ҳам мамлакат парламенти, маданияти ва санъати билан янада яқиндан танишдик.

Ҳудудий вакиллар палатаси Спикери Нур Воҳид бошчилигидаги парламент гуруҳи билан учрашув ҳам қизиқарли кечди. Унда парламент аъзоси, мамлакатдаги косметика ишлаб чиқариш бўйича йирик бизнесмен Муряти Соедибё, Акса Маҳмуд ва бошқалар қатнашишди. Нур Воҳид иқтисодиёт ва савдо бўйича вазир бўлиб ишлаганида Ўзбекистонда бўлганлигини ва яхши таассуротлар билан қайтиб келганлигини таъкидлаб, самимий муносабатини билдирди. Парламентлараро муносабатларни динамик ривожлантиришга, шунингдек, савдо, экология, туризм, таълим соҳаларини биргаликда ривожлантиришга имкониятлар кўплигини таъкидлади.

Ташрифимиз давомида мамлакатнинг туризми ривожланган Бали ороллари, унинг табиати, тарихий жойлари ҳамда ҳайвонот олами билан танишдик. Бу ерда миллий бадиий ҳунармандчилик дурдоналари, амалий санъат ҳамда енгил саноатнинг бир тури бўлган тўқимачилик соҳасини ҳам кўрдик. Халқ ижодиёти турларини сақлаб қолиш ҳамда ривожлантириш борасидаги фаолиятнинг гувоҳи бўлдик. Кичик тўқимачилик корхонасининг ёнидаги дўконни ҳам томоша қилдик. Батик деб номланувчи миллий газламалар ўзига хослиги билан ажралиб туради. Унда халқ руҳи ўз ифодасини топган. Шунингдек, бизнинг адрасга ўхшаш миллий газлама ҳам тўқишларининг гувоҳи бўлдик.

Республика Ташқи ишлар вазири Ҳасан Вираюда ўз сўзида Индонезия Ўзбекистон мустақиллигини биринчилар қаторида қутлаганини, ўтган қисқа давр ичида Ўзбекистон ўз йўлига эга бўлганлигини алоҳида таъкидлади. Ўтган даврда икки мамлакат ташқи сиёсат маҳкамалари ўртасида мунтазам маслаҳатлашувлар йўлга қўйиш билан ўзаро ҳамкорликка оид, халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан фикр алмашиш учун қулай имконият яратилганини, биргаликда савдо ва бошқа йўналишларда кўргазмалар ташкил этиш, икки мамлакат бизнесменларини таништириш лозимлигига алоҳида урғу берди. Биз айниқса, савдо-иқтисодий ва сармоявий алоқаларни кенгайтиришдан манфаатдормиз, дея таъкидлади.

Табиий ресурслар борасида Индонезия Ўзбекистон каби катта имконият ва тажрибага эга. Ушбу мамлакатда нефть, табиий газ, кўмир, қалай, мис, никель, олтин қазиб олинади. Шуни инобатга олиб айтиш мумкинки, табиий бойликларни ўзлаштириш борасида Ўзбекистон ва Индонезия ҳамкорлигининг истиқболи порлоқ. Айни кунда юртимизда индонезиялик сармоядорлар билан биргаликда тузилган "Uzbekistan international" (телекоммуникация соҳасида маркетинг хизмати), PT Hikman Albros (меҳмонхона хизмати) каби корхоналар фаолият юритмоқда.

Шунингдек, халқларимиз ўртасидаги дўстона муносабатларни мустаҳкамлаш ва янги мазмун билан бойитишга Ўзбекистон – Индонезия дўстлик жамияти муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. 1997 йилда Самарқанд ва Банда Ачех шаҳарлари ўртасида Биродарлик алоқалари ўрнатиш тўғрисидаги ҳужжат имзоланган. 2001 йилдан Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтида Индонезия тилини ўрганиш маркази фаолият кўрсатмоқда. Яқинда ташқи ишлар вазири Ҳасан Вираюда мамлакатимизда бўлганида эса Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Индонезия Республикаси ҳукумати ўртасида Икки томонлама ҳамкорлик бўйича қўшма комиссия тузиш тўғрисидаги, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети билан Индонезия Республикаси Ташқи ишлар департаментининг Таълим ва малака ошириш маркази ўртасида дипломатик соҳада таълим ва малака ошириш тўғрисидаги ўзаро англашув меморандумлари имзоланди.

Биз мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Индонезия ўртасидаги ҳамкорлик барча соҳаларда изчил ривожланиб бораётгани, хусусан, олий қонун чиқарувчи органлар ўртасидаги алоқалар кўлами кенгаяётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётганини алоҳида таъкидладик. Ушбу сафарда мустақил юртимизнинг жаҳонда катта обрўга эга эканлигига гувоҳ бўлдик. Индонезия халқи Ўзбекистондаги тарихий обидаларга катта қизиқиш, буюк аждодларимиз қолдирган бебаҳо меросга ҳурмат билан қарайди.

Таржимон Хенни хоним ўзининг юқори маданияти ва билимдонлиги билан делегациямиз аъзоларида катта таассурот қолдирди. Унга Хоразмий, Беруний, Замахшарий, Мирзо Улуғбек каби буюк аждодларимиз — алломаларимиз ҳақида гапириб берганимизда, жуда ҳайратланди. Уларни Шарқ алломалари, араблар деб билардим, айнан Ўзбекистондан эканлигини билмасдим. Келажакда улар ҳақида мақолалар ёзиб, Индонезия халқига таништираман, деган фикрни билдирди.

Сафардан Ўзбекистон парламенти делегацияси аъзолари катта тассурот билан қайтдик. Ўзбекистон мустақиллиги шарофати билан дунёга чиқаётганимизни яна бир бора чуқур ҳис этдик.

Раъно ЗАРИПОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.
Тошкент — Жакарта — Тошкент.

ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ЭРКИНЛИГИ — ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ БАРПО ЭТИШНИНГ МУҲИМ ШАРТИ

Давоми. Боши 1-бетда

«Сўнгги 20 йил мобайнида мен Ўзбекистонга бир неча бор келдим ва ҳар гал бу мамлакатда юз бераётган кўплаб ўзгаришлардан ҳайратга тушаман, — деди Мисрнинг «ал-Масаийя» газетаси бош муҳаррири ўринбосари Муҳаммад Салома. — Мамлакатингизда демократия ва оммавий ахборот воситалари эркинлигининг энг ёрқин тасдиғи Президент Ислом Каримовнинг ўзи матбуот анжуманларини нақадар демократик руҳда ва очиқ ўтказишида яққол намоён бўлади. Давлатингиз раҳбари томонидан масс-медиани ривожлантириш борасида 2005 йилда (Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2005 йил 28 январдаги қўшма мажлисидаги маърузаси назарда тутилмоқда — ЎзА) илгари сурилган ва оммавий ахборот воситаларини хусусий бизнес, тадбиркорлар ва хусусий шахслар томонидан молиялаштиришни кенгайтиришга оид таклифлари айниқса диққатга сазовордир. Бу сўз эркинлигини таъминлаш ва оммавий ахборот воситаларини демократлаштиришга хизмат қилади».

Конференция очиқ мулоқот, оммавий ахборот воситаларининг бевосита демократик ислоҳотлар билан боғлиқ фаолиятини ташкил қилиш борасида ечимини кутаётган масалалар юзасидан эркин фикр алмашиш тарзида ўтди.

«Оммавий ахборот воситалари эркинлигини таъминлашга бағишланган халқаро конференцияда иштирок этиш имконияти берилганидан жуда мамнунман, — деди АҚШ Миллий матбуот клуби аъзоси Питер Хикмен. — Ушбу анжуманнинг ўтказилиши Ўзбекистон халқаро ҳамкорликни, жумладан, ЕХҲТдек халқаро ташкилот билан алоқаларни ривожлантиришга интилаётганига яхши мисолдир. Тошкент анжуманида кўплаб мамлакатлардан вакиллар иштирок этаётгани дунёда демократия шароитида оммавий ахборот воситалари фаолиятига оид масалалар юзасидан тажриба алмашишдан манфаатдорлик мавжуд эканлигини кўрсатади. Президент Ислом Каримовнинг жамиятни демократлаштиришга қаратилган ташаббуслари халқаро миқёсда кенг эътироф этилмоқда. Мустақил журналист сифатида Ўзбекистонда бу жараён қандай кечаётгани мени жуда қизиқтиради».

Айни вақтда, конференция иштирокчиларининг чиқишларида таъкидланганидек, сўз эркинлиги шунчаки эришиладиган мақсад эмас, балки демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамияти барпо этишнинг энг муҳим шартидир. У бошбошдоқликни англатмайди, фикрлар хилмахиллиги деганда эса нафақат ўз мулоҳазаларини эркин баён этиш имконияти, балки ахборотнинг ҳаққонийлиги, ишончлилиги, жамиятда барқарорликни сақлаш учун масъулият ҳисси ҳам назарда тутилади.

«Барқарор ривожланишни таъминлаш учун оммавий ахборот воситалари эркин бўлиши зарур ва бу Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси тамойилларига тўла мос келади, — деб ҳисоблайди «Дойче Велле» академияси (Германия) катта маслаҳатчиси Франк Лемке. — Бироқ ҳар қандай эркинликнинг ҳам, биринчи галда, хавфсизликни таъминлаш мақсадида, муайян чек-чегараси бўлиши лозим. Шу боис, оммавий ахборот воситалари холис ахборот бериш борасида ўз масъулиятини англаб етиши керак. Афсуски, барча мамлакатларда ҳам аҳвол шундай деб бўлмайди. У ёки бу масалани ёритишда журналист одобини сақлаш, оммавий ахборот воситалари фаолияти устидан жамоатчиликнинг холис назоратини ўрнатиш муҳимдир».

Мустақил оммавий ахборот воситаларининг оёққа туриши ва ривожланиши, бутун демократик жараён каби, ҳар бир мамлакатда ўз хусусиятларига эга бўлади, ушбу мамлакат халқининг менталитети ва миллий-маданий ўзига хослигини ҳисобга олган ҳолда, муайян тарихий шароитларда амалга оширилади, деб таъкидладилар анжуман иштирокчилари.

«Яқинда мен фақат салбий ахборотлардан, жумладан, Ўзбекистон ҳақида ҳам, иборат бўлган бир Ғарб газетасини сотиб олдим, — деди Кембриж форуми (Буюк Британия) раиси Сиддҳартх Саксена. — Мамлакатингизда ижобий демократик ўзгаришлар юз бераётган, кучли демократик ҳуқуқий асос яратилган, ҳукумат ва фуқаролик жамияти институтлари ўзаро ҳамда Ғарб билан фойдали мулоқот қилишга, ўзаро англашув робиталарини барпо этишга интилаётган бир пайтда бундай бир томонлама ёндашув кишини ўша нашрдан юз ўгиришга мажбур қилади. Ўзбекистон самарали фуқаролик жамиятини шакллантириш борасидаги ислоҳотларни босқичма-босқич амалга оширишнинг тўғри стратегиясини белгилаб олган. Шу боис, назаримда, сўз эркинлигига биз Ўзбекистонда кўриб турган ёндашув оқилона ёндашувдир. Шуни таъкидламоқчиманки, глобал оммавий ахборот воситалари меъёр деб кўрсататаётган «универсаллик тили» маданиятлар ўртасидаги мулоқот ва ҳамкорликка раҳна солмоқда. Айрим Ғарб мамлакатлари ўзларига тобе оммавий ахборот воситалари орқали анъанавий маданиятга эга мамлакатларга ўз қадриятларини тиқиштиришга уринмоқда. Уларнинг эътирозларида, одатда, мазкур мамлакатларнинг хусусияти, маданияти, анъаналари, менталитети инобатга олинмайди».

Конференцияда демократиянинг ҳаммабоп, универсал моделлари бўлмагани каби, эркин оммавий ахборот воситаларини шакллантиришнинг ҳам универсал моделлари бўлиши мумкин эмас, деган муҳим хулосага келинди. Шу билан бирга, эркин оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш асосини ташкил этадиган умумэътироф этилган тамойиллар мавжуд. Таъкидланганидек, Ўзбекистон ўзи учун демократиянинг энг олий андозаларини белгилаб олган ва шу йўналишда изчил олға интилмоқда.

«Замоннинг ўзи шуни кўрсатмоқдаки, демократия моделларини бировлардан кўр-кўрона кўчириш салбий оқибатларга олиб келади, — деб ҳисоблайди Шарқий Европа ва МДҲ мамлакатлари институтининг (Исроил) таҳлил бўлими раҳбари Лев Вершинин. — Ёт, юзаки идеалларни деб бошқаларнинг тажрибасидан кўр-кўрона нусха олмаслик, жумладан, оммавий ахборот воситаларининг эркинлигини суньий равишда тиқиштиравермаслик керак. Бугунги кунда мутлақ мустақил оммавий ахборот воситаларининг ўзи йўқ, негаки, уларнинг барчаси амалда ўзларини молиялаштираётган куч ва тузилмаларнинг қарашларини ифода этади. Ижтимоий-сиёсий, тарихий жараёнларни бир ёқлама, нохолис ёритадиган, халқларнинг миллий ғурурини, тарихий қадриятларини таҳқирловчи материаллар тайёрлайдиган оммавий ахборот воситалари вазиятни беқарорлаштиришга, жамиятни бўлинишга олиб келиши мумкин. Демократияни барпо этиш ва ривожлантиришда, биринчи галда, Ўзбекистон тутган йўл — сиёсий тажриба ва сиёсий ирода зарур».

«Тошкентда ташкил қилинган конференция жуда долзарб ва кенг кўламли бўлиб, унда дунёнинг кўплаб давлатларидан экспертлар иштирок этдилар ва очиқ мунозаралар чоғида ўз мулоҳазаларини, қарашларини билдириш, ўз мамлакатининг тажрибаси билан ўртоқлашиш имкониятига эга бўлдилар, — деди Хитой Ижтимоий фанлар академиясининг Россия, Шарқий Европа ва Марказий Осиё институти етакчи илмий ходими Чжао Хуэйжун. — Ҳар бир мамлакат ривожланиш жараёнида муайян муаммоларга дуч келади, албатта. Уларга ечим топишни бир-биримиздан ўрганиш нафақат Ўзбекистон, балки бошқа давлатлар, жумладан, Хитой учун ҳам муҳим ва фойдалидир. Мен учун, айниқса, Ўзбекистонда оммавий ахборот воситаларининг уларнинг эркинлиги ва мустақиллигини таъминлаш нуқтаи назаридан жадал ривожланаётгани тўғрисидаги батафсил маълумот жуда қизиқарли бўлди. Уларни эркинлаштириш учун кўп иш қилинган, қонуний асос яратилган, давлатдан мустақил бўлган телевидение, радио, газета ва журналлар очилиб, муваффақиятли ривожланмоқда. Демократиянинг ҳамма учун ягона андозаси мавжуд эмаслиги борасида барча конференция қатнашчиларининг фикри бир жойдан чиққани қувонарлидир. Ҳар бир халқ ўз маданияти, иқтисодиёти, анъаналарининг ўзига хос хусусиятларига имкон қадар тўла мос бўлган ўз йўлини танлайди. Ўзбекистонда Президент Ислом Каримов томонидан белгилаб берилган ислоҳотларни амалга ошириш-нинг беш тамойили ҳаётга татбиқ этилаётгани, жумладан, демократияни ривожлантиришда ҳамда оммавий ахборот воситалари эркинлигини, инсон ҳуқуқларини таъминлашда давлат бош ислоҳотчи сифатида намоён бўлаётгани ана шундай хайрли мақсадга хизмат қилмоқда. Менинг Ўзбекистон раҳбариятининг сиёсати ва тутган йўли тўғри эканига ишончим комил».

«Оммавий ахборот воситалари — давлат билан жамият ўртасидаги ўзига хос робитадир, — деди Россия Федерацияси Президенти ҳузуридаги Россия давлат қурилиши академиясининг сиёсатшунослик кафедраси мудираси Лидия Тимофеева. — Уларнинг эркинлиги демократиянинг энг муҳим кўрсаткичларидан биридир. Ўзбекистонда бу соҳада сўнгги йилларда юз берган янгиликлардан бири — ҳам ҳуқуматга қарашли, ҳам мустақил оммавий ахборот воситалари эркин фикр билдиришга хизмат қилмоқда. Уларнинг бундан буён ривожланиши хилма-хиллик асосида кечиши керак, деб ўйлайман. Бу оммавий ахборот воситаларининг, ҳақиқатан ҳам, эркин бўлишига олиб борадиган йўлдир. Ўзбекистон матбуоти билан танишиб, мамлакатингизда журналистларнинг касб маҳорати ва эркин фикр билдириш даражаси анча юқори экан, деган хулосага келдим. Ҳозир бизда, Россияда танқид жуда кўп. Ўйлайманки, Ўзбекистон газеталари ва телевидениесидаги хотиржам ва вазмин оҳанг, нафақат муаммолар тилга олиниши, айни пайтда уларнинг ечими ҳақида ҳам сўз юритилиши – алоҳида таъкидлаш жоиз бўлган муҳим ижобий тажрибадир. Ўзбекистоннинг тажрибаси демократия барпо этаётган бошқа мамлакатлар учун ҳам зарурдир».

Кувайтнинг «ал-Аламия» журнали бош муҳаррири Салоҳ Султон қуйидагиларни таъкидлади: «2007 йилнинг декабрида Ўзбекистон Президенти сайловида халқаро кузатувчи сифатида иштирок этар эканман, мен Ўзбекистонда кўплаб мамлакатларда учрамайдиган сўз эркинлиги мавжудлигига ишонч ҳосил қилган эдим. Бугун Ўзбекистонда нодавлат оммавий ахборот воситалари кўп. Мамлакатингиз оммавий ахборот воситалари энг илғор технологиялар билан жиҳозланган. Газеталарингизни ўқидим, телекўрсатувларингизни томоша қилдим ва Ўзбекистонда оммавий ахборот воситалари, ҳақиқатан ҳам, эркин бўлиб, барча мавзуларда сўз юритишига амин бўлдим. Сайлов пайтида унда иштирок этган барча партияларга оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш бўйича тенг ҳуқуқ ва имкониятлар берилганига гувоҳ бўлдим».

АҚШнинг Янги демократиялар институти директори Мьюша Север қайд этганидек, миллий хавфсизлик, шахснинг дахлсизлик ҳуқуқи ва оммавий ахборот воситалари эркинлигини таъминлаш ўртасида мувозанат сақлаш жуда муҳим. Ўзи ҳам журналист сифатида у оммавий ахборот воситалари фаолиятининг мезонлари жамият манфаатлари билан узвий боғлиқ бўлиши керак, деб ҳисоблайди. «Жаҳон ҳамжамияти мамлакатингиз раҳбариятининг Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 60 йиллигини кенг нишонлаш борасидаги ташаббусини қўллаб-қувватлашга тайёр. Бу тадбирларнинг амалга оширилиши ҳукумат билан фуқаролик жамияти ўртасида очиқ мулоқот, ҳамкорлик ривожланишига хизмат қилади. Бу жараёнда «тўртинчи ҳокимият» – оммавий ахборот воситалари иштирок этса, ўзаро англашувга эришиш янада тезлашади. Сўнгги йилларда Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари фаолиятида кўплаб ижобий ўзгаришлар юз берганига, жумладан, улар давлат тузилмаларининг янада яхши ишлашига кўмаклашаётганига гувоҳ бўлдим», — деди М.Север. У оммавий ахборот воситалари билан давлат тузилмаларининг матбуот хизматлари ўртасида янада яқин алоқа ўрнатиш зарурлигини ҳам таъкидлади.

Конференцияда миллий ва хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш ва эркинлаштиришнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш масалалари ҳар томонлама кўриб чиқилди. Унда иштирок этган эксперт ва таҳлилчилар фуқаролик жамияти институтларини мустаҳкамлашга қаратилган демократик ислоҳотларни чуқурлаштиришда оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва аҳамиятини ошириш борасида ўз мамлакатида тўпланган тажриба билан ўртоқлашдилар.

Анна ИВАНОВА,
ЎзА мухбири.

«ТАГУС ТЕКСТИЛЬ»НИНГ САЛОҲИЯТИ ОШМОҚДА

Ҳар бир мамлакат тараққиётида хориж сармоясининг, қўшма корхоналарнинг ўрни беқиёс. Шунинг учун ҳам юртимиз мустақилликка эришгандан сўнг чет давлатлар билан нафақат маданий-маърифий соҳаларни, балки иқтисодий муносабатларни ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Хорижлик сармоядорлар манфаатларини ҳимоя қилувчи, уларнинг мамлакатимизда эмин-эркин ишлашларини таъминловчи қонунлар, Президент фармонлари қабул қилинди. Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистонда бугун чет элликларнинг келиб бемалол ишлашлари, бирор соҳага сармоя киритишлари учун барча шарт-шароит яратилган.

Шунинг натижаси ўлароқ, юртимизда ҳозир юзлаб қўшма корхоналар фаолият юритмоқда, юз минглаб янги иш ўринлари яратилди.

Андижон вилоятидаги "Тагус Текстиль" шундай корхоналардан бири. Унинг лойиҳа қиймати 9,396 минг АҚШ долларини ташкил этади ва бу маблағ жорий йилнинг биринчи чорагида тўла ўзлаштириб бўлинди. Корхонанинг йиллик ишлаб чиқариш қуввати 3176 тонна 50/1 калава ипни ташкил этади. Шундан 1029 тоннаси трикотаж мато ишлаб чиқаришга ишлатиладиган калава иплардир.

Қўшма корхонага Германиянинг "Трюшцпер", "Шлафхорст", "Terrot", "Caverion", Бельгиянинг "Атаас копко" ва Хитой Халқ Республикасининг "Jingwei" ҳамда "Premier" компанияларида ишлаб чиқарилган 7216 минг АҚШ долларилик пахта толасини қайта ишловчи энг замонавий технологик жиҳозлар, асбоб-ускуналар, дастгоҳлар келтириб ўрнатилди. Ҳамкорлик асосида Ўзбекистон Республикаси томонидан бир миллион АҚШ долларилик бино ва иншоотлар қўшма корхона ихтиёрига берилди.

"Тагус текстиль"да ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг 80 фоиздан ошиқроғини эркин муомаладаги валютага сотиш кўзда тутилган.

Таъкидлаш жоизки, қўшма корхонани ташкил этишда андижонлик тадбиркорлар Толибжон Қодиров, Раҳимжон Юлдошев, Маҳмуджон Баратходжаевларнинг хизматлари катта бўлди.

Президентимизнинг 2005 йил 11 апрелдаги "Тўғридан тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори ижросини таъминлаш учун раҳбарининг 2006 йил 13 ноябрдаги ПҚ-510 сонли "2006-2008 йилларда тўқимачилик корхоналарини модернизация қилиш ва техникавий қайта жиҳозлаш Дастури тўғрисида"ги Қарорига киритилган бўлиб, ҳозир мазкур дастур асосида фаолият олиб бораяпти. Жамоада бугун 308 нафар ишчи меҳнат қилмоқда. Яқин вақт ичида улар сони яна 100 нафарга кўпайиши кўзда тутилган.

Ҳамкорлик самаралари

Яна бир гап. Корхонага Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий миллий банки томонидан 3 миллион 718 минг АҚШ доллари қийматида узоқ муддатли имтиёзли кредит берилган. Ҳозирда "Тагус текстиль"да ишлаб чиқарилган трикотаж маҳсулотларни бўяш, оҳорлаш цехлари ҳам фаолиятини бошлаб юборган. Бу ўз навбатида яна қўшимча иш ўринлари яратиш имконини берди.

Британиянинг "Tagus Management Services Limited" компанияси билан музокаралар олиб бордик ва шу қўшма корхонани ташкил этдик, — дейди тадбиркор Толибжон Қодиров. — Ўзбекистон томонидан Избоскан шойи тўқиш очиқ акциядорлик жамияти акциядорлари иштирок этди. Мақсадимиз бозор иқтисоди ширoитида ишлаб чиқаришни янада такомиллаштириш, жаҳон стандартларига мос маҳсулот тайёрлашга эришишдир.

Корхона 2006 йил 25 июлида Андижон вилоят Адлия бошқармаси томонидан рўйхатдан ўтказилган. Шу ўринда қайд этиб ўтиш лозимки, "Тагус текстиль" мамлакатимиз

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, "Тагус текстиль" нафақат Андижон вилоятидаги, балки мамлакатимиздаги энг илғор тўқимачилик корхоналаридан бирига айланиб бормоқда. Бунинг учун жамоада барча имконият — салоҳиятли ишчи-хизматчилар ҳам, замонавий технологиялар ҳам етарли.

Н. ҲАМЗАЕВ. ®

Ер билан тиллашган, деҳқончиликда ўзига хос тажриба орттирган фермерлар илғор технологияларни қўллаб, ёқилғи ва минерал ўғитларни кам сарфлаб, ғалла, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинларидан юқори ҳосил олишга эришаётир.

ҲАЛОЛ МЕҲНАТ ҚАДРИ

2001 йилда ҳудудимиздаги «Чандир» ширкат хўжалиги фермер хўжаликларга айлантирилди. Шу муносабат билан фермер хўжалигимиз экин майдонларини кенгайтириб, 92 гектарга етказдик.

Ёқилғи, ўғит, техника муаммоларини ҳал этишда туман ҳокимлиги ва Фермерлар уюшмаси яқиндан кўмак бериб келаётир. Биз деҳқончилик қилаётган ерлардан илгари ширкат хўжалиги даврида пахтадан ўртача 15-20, ғалладан 25 центнердан ҳосил олинарди. Эндиликда эса пахтачиликда ҳосилдорлик 40, ғаллачиликда эса 55 центнерга етди. Фермерликнинг истиқболли эканлигини мана шу рақамлар ҳам исбот этиб турибди. Ўтган йили 40 гектар майдондаги пахтадан ҳосилдорлик 50 центнерга етгани боис давлатга 200 тонна «оқ олтин» топширишга эришдик. Шундан 50 тоннаси уруғлик учун қабул қилинди. 45 гектар майдонда ғалла етиштириб, шартнома режасини ортиғи билан уддаладик. Фермер хўжалиги аъзоларига 80 тонна ғалла тарқатилди.

Ҳалол меҳнатнинг нони ширин бўлади, дейдилар. Жамоамиз аъзолари буни яхши тушунишади. Шу боис режани ҳамжиҳатликда амалга оширишга одатланганмиз. Ўйлайманки, фермерликда самарали ишлаш учун барча имкониятлар етарли, фақат агротехник тадбирларни ўз вақтида амалга ошириш, ҳалол меҳнат қилиш керак, холос.

Мухтор ШАРОПОВ,
Миришкор тумани «Чандир» фермерлар массивидаги «Янгибой» фермер хўжалиги раҳбари.

MIKROKREDITBANK

БАНК КЎМАГИ ТУФАЙЛИ

Фарғонадаги «Эркабоева» фермер хўжалигининг иқтисодиёти мустаҳкамланмоқда

АТ "Микрокредитбанк"нинг Фарғона вилоят филиали молия муассасалари орасида ўзига хос нуфузга эга. Мазкур молия муассасаси томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга жорий йилнинг ўтган даврида 2 миллиард 296 миллион 98 минг сўм маблағ ажратилган. Ушбу маблағ ҳисобига аллақачон 1523 та янги иш ўринлари яратишга эришилди.

Маълумки, жорий йил Президентимиз томонидан Ёшлар йили деб эълон қилинган. Шу муносабат билан юртимизда ёшларни, хусусан, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, уларни тадбиркорликка жалб этиш борасида кўплаб ишлар амалга ошириляпти. АТ "Микрокредитбанк" Фарғона вилоят филиали ҳам бу хайрли ишдан четда тургани йўқ. Молиявий муассаса томонидан шу пайтга қадар ёш тадбиркорларга 148 миллион 387 минг сўм миқдорида микрокредитлар ажратилди.

Тошлоқ туманидаги "Эркабоева" фермер хўжалиги банкнинг энг ишончли мижозларидан ҳисобланади. Фермер хўжалигининг умумий ер майдони 25 гектар бўлиб, шундан ғалла майдони 8 гектар, пахта эса 17 гектарни ташкил этади. Ўтган йили жамоа деҳқонлари 40 тонна ғалла топшириб режани ортиғи билан бажаришга эришдилар. Пахтадан ҳар гектар ердан олинган ҳосилдорлик 34 центнердан ошди. Фермер хўжалигининг соф даромади 12 миллион сўмдан юқори бўлди.

Фермер хўжалиги яқинда 36 миллион 500 минг сўм микрокредит олиб, Самарқанд шаҳрида ишлаб чиқарилган "ISUZU" маркали юк ташийдиган автомобилни лизинг асосида харид қилди. Бу эса деҳқонларнинг оғирини енгил қилишга ёрдам бермоқда.

— Банкнинг бизга кўрсатган беминнат ёрдамидан ниҳоятда хурсанд бўлдим, — дейди фермер ва тадбиркор Мақсудахон Эркабоева.

Мақсудахон опа табиатан тиниб-тинчимас аёл. Чумолида тиним бор, бироқ опада тиним йўқ!

Молия муассасаларида

Ҳали далага, ҳали шаҳарга, ҳали уйга елиб-югуради. Режалари бир олам. Мақсудахон опанинг чорваси ҳам бор. 20-25 бошдан ошиқ қорамоли, қўй-қўзилари... "Мутаббар сут-кооператив" кичик корхонасини ташкил этиб, 30 нафардан кўпроқ ҳамкишлоқларини иш билан таъминлади.

Кичик корхонасида сут маҳсулотлари — пишлоқ, сметана, йогурт ишлаб чиқариб, эл дастурхонини тўкин қилмоқда. Опанинг "МТЗ-80", "Т-28" тракторлари "КИР" — ўт ўриш техникаси, яна экиш селкаси, "Нексия" енгил автомашинаси бор.

Опа келгуси режалари ҳақида гапирар экан: "Яна банкдан олинган лизингга "Алтай" русумли ҳайдов трактори харид қилмоқчиман. Насиб этса, Варзакда гузар, чойхона, тикувчилик, ҳунармандчилик цехларини очиб, қишлоқдошларимни иш билан таъминлашни ният қилганман", — деди. Сўнг сўзида давом этди: "Фермер бўлиб, тадбиркорлик билан шуғулланиб кам бўлмадим. Яратганга шукр, Франция ва Англия мамлакатларига сафарга бордим. Ўша юртлардан Фарғонага технология олиб келдим. 1998 йили камтарона меҳнатимни қадрлашиб "Меҳнат шуҳрати" ордени билан мукофотлашди. "Ташаббус" кўрик-танловида ғолиб чиқдим.

Мақсудахон Эркабоева бу йил ҳаж зиёратини амалга ошириб қайтди. Ҳалол меҳнати туфайли ҳамкишлоқлари орасида ҳурмати баланд. Барча уни ишбилармон, уддабурон раҳбар сифатида ҳурмат қилади. У эса эришган ютуқларининг барчасини мамлакатимизда ишбилармонлар, фермерлар учун яратилган имкониятдан деб билади.

Норқул МАМУР,
«Миллий тикланиш» мухбири. ®

ОМОНАТЧИЛАРГА АФЗАЛЛИК ВА ҚУЛАЙЛИКЛАР

Республикамиз Президентининг 2008 йил 20 февралдаги "Тижорат банкларида аҳоли омонатлари шартларини либераллаштириш ҳамда кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони аҳоли, айниқса, хусусий тадбиркорларнинг инвестицион фаоллигини янада ошириш, уларни мамлакатимизда кечаётган инвестицион жараёнларнинг фаол иштирокчисига айлантириш йўлида муҳим қадам бўлди десак, муболаға бўлмайди.

Мазкур Фармоннинг мазмун-моҳияти ва мақсадларини, шунингдек, омонатчиларга яратилган афзалликлар ва қулайликларни тижорат банклари томонидан кенг аҳоли оммасига етказиш, тарғибот-ташвиқот ишларини ташкил этиш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар хусусида бир неча саволлар билан Марказий банкнинг Самарқанд вилоят Бош бошқармасининг Пул муомаласини тартибга солиш ва мониторинг бошқармаси бошлиғи Махмаюсуф НАБИЕВга мурожаат қилдик.

— Махмаюсуф Раҳматиллаевич, Юртбошимизнинг ушбу Фармонида фуқароларга қандай имтиёзлар, қулайликлар яратилган? Шулар тўғрисида қисқача тушунча берсангиз.

— Энг аввало, газетхонлар эътиборини бир маълумотга қаратмоқчиман. Пул доимий ҳаракатда бўлсагина, нафақат ўз қадрини сақлаб қолади, балки эгасига қўшимча даромад ҳам келтиради. Бироқ мавжуд бўш пул маблағларидан эркин фойдаланиш, уларни кўпроқ даромад олиш учун банклардаги омонатларга жойлаштиришда ҳар бир фуқаро ёки хусусий тадбиркорга қулайлик яратиш, омонатнинг бут сақланишини ва унинг биринчи талабдаёқ эгасига қайтариб берилишини кафолатлаш пул маблағларининг банк орқали айланишини ташкил этиш гарови ҳисобланишини унутмаслик лозим.

Айнан шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, Фармоннинг мазмун-моҳияти аҳолига ва хусусий тадбиркорларга кўпроқ эркинлик бериш, банк омонатлари шартларини либераллаштиришга қаратилган. Банк омонатлари шартларини либераллаштириш, омонатчиларга афзаллик ва қулайликлар яратишда асосан нималарга эътибор берилмоқда? Шу ҳақда қисқача тўхталиб ўтсак.

Биринчидан, омонатга пул маблағлари миллий ва хорижий валютада чекланмаган миқдорда қабул қилинади. Фуқаролар ўзларининг хорижий банклардаги шахсий ҳисоб варақларидан пул ўтказиш йўли билан маблағларини чекланмаган миқдорда банк омонатларига киритишлари мумкин. Иккинчидан, ҳар бир фуқаронинг омонатга жойлаштирилаётган маблағлари манбаи тўғрисида маълумот талаб қилинмайди, бошқача қилиб айтганда, омонатга қўйилаётган маблағлар тўғрисида декларация қилинмайди.

Учинчидан, жорий йилнинг 1 апрелидан келгуси йил 1 апрелигача омонатларга қўйилган маблағлардан олинган даромадлар солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан озод қилинади. Тўртинчидан, тижорат банклари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш, солиқ ва бошқа назорат органлари омонат қўювчи жисмоний шахслар ҳамда уларга хизмат кўрсатувчи банклардан пул маблағларининг келиб чиқиш манбалари қонунийлиги тўғрисидаги турли ҳужжатлар ва маълумотномаларни ҳамда банк сири ҳисобланадиган бошқа маълумотларни сўраб олишлари ёки талаб қилишлари тақиқланган.

Фармон ва ижро

Аҳоли ва хусусий тадбиркорлар учун яратилаётган муҳим қулайликлардан яна бири, маблағларини ўз исми шарифи кўрсатилмайдиган омонат турларига эркин жойлаштиришидир. Пул қўювчидан пул маблағларининг келиб чиқиш манбалари тўғрисида маълумотнома ва бошқа ахборотларни ҳар қандай тарзда талаб қилиш ноқонуний деб ҳисобланиши билан бир қаторда, ушбу талабларни бузган мансабдор шахслар амалдаги қонунчиликда ўрнатилган тартибда жавобгарликка тортилиши белгилаб қўйилган.

Маълумки, мамлакатимизда "Банк сири тўғрисида"ги қонун мавжуд бўлиб, унда банк сирига оид маълумотлар, ҳужжатлар ва уларни учинчи шахсларга тақдим этиш нормалари қатъий белгилаб қўйилган. Мазкур қонун ҳамда Юртбошимизнинг Фармонида қайд этилганидек, тижорат банклари мансабдор шахслари, ходимлари жисмоний шахсларнинг ҳисоб варақлари ва пул қўйилмалари борасида, шунингдек, улар бўйича амалга оширилган операциялар хусусида банк сири сақланишини кафолатлашлари шарт, акс ҳолда жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин.

— Банклар томонидан Фармон ижросини ташкил қилиш юзасидан қандай чора-тадбирлар амалга оширилмоқда?

— Фармонда кўзда тутилган қулайлик ва афзалликларни кенг аҳоли оммасига, хусусий тадбиркорларга етказиш, тушунтириш, тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришда республика тижорат банкларининг вилоятдаги 75 та филиали, 553 мини банки ва махсус кассалари, шунингдек, 2 та хусусий банк ходимлари томонидан бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилаётганлигини қайд этиб ўтиш ўринлидир. Жумладан, ҳар бир филиал ва мини банкда "Омонатчилар бурчаги" ташкил қилиниб, унда Фармонда яратилган қулайлик ва имтиёзлар, омонатлар турлари, даромадлилиги тўғрисидаги барча маълумотлар берилган.

Шу билан бирга, пул маблағларини омонатларга қабул қилиш тартибини фуқаролар ва хусусий тадбиркорларга кенгроқ тушунтириш мақсадида, ҳар бир филиалда омонатлар бўйича банк маслаҳатчиси лавозими жорий қилиниб, малакали мутахассислар тайинланган. Бугунги кунда тижорат банкларининг вилоятдаги филиаллари томонидан 100 дан ортиқ юқори даромадли, бир-биридан жозибадор омонат турлари аҳолига таклиф этилмоқда. Пул маблағларини омонатларга жойлаштиришда тушунмовчиликларга аниқлик киритиш, омонатчи саволларига малакали жавоб берилишини таъминлаш мақсадида республика Марказий банки, унинг вилоят бош бошқармаси ва республика тижорат банклари ҳамда уларнинг вилоят бошқармаларида ташкил этилган "Ишонч телефонлари" тўғрисидаги маълумотлар ҳар бир филиал, мини банк ва махсус кассаларда мавжуд бўлиб, фуқаролар ўзларини қизиқтирган саволларга улар орқали жавоб олиши мумкин.

Мамлакатимиз раҳбари томонидан қабул қилинган ушбу Фармон ва унинг ижроси юзасидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар шубҳасиз аҳолининг банк тизимига бўлган ишончини янада мустаҳкамлашга, аҳоли ва хусусий тадбиркорлар мамлакатимиздаги инвестицион жараёнларнинг фаол иштирокчисига айланишига, бошқача қилиб айтганда, аҳолининг инвестицион фаоллигини янада оширишга хизмат қилишига ишонаман.

Суҳбатдош: "Миллий тикланиш" мухбири Норқул МАМИРОВ. ®

Марказий банкнинг Самарқанд вилояти Бош бошқармасида ташкил этилган «Ишонч телефонлари» рақамлари:

233-30-04, 231-08-69, 231-15-19, 233-75-35

Тижорат банкларида ташкил этилган "Ишонч телефонлари" рақамлари:

№	Банк номи	"Ишонч телефони" рақамлари
1.	Миллий банк	233-57-50
2.	Саноатқурилиш банк	233-22-06
3.	Пахта банк	233-37-04
4.	Ипотека банк	210-02-78
5.	Асака банк	231-19-43
6.	Халқ банки	234-28-97
7.	Савдогар банк	233-67-98
8.	Ғалла банк	221-66-68
9.	Микрокредитбанк	234-01-32
10.	Турон банк	231-04-26
11.	Алоқа банк	233-09-63
12.	Ипак йўли Умар банк	231-12-99
13.	Парвина банк	233-42-06
14.	Самарқанд банк	230-14-40
15.	Кредит-Стандарт банк	233-26-66
16.	Ҳамкор банк	210-07-04

Фидойи инсонлар орамизда кўп эканки, юртимиз тараққиёт сари дадил қадам ташламоқда. Ишлаб чиқариш ва халқ хўжалигининг барча тармоқларида ислоҳотлар изчил амалга оширилиб келиняпти. Шунингдек, банк тизими ҳам халқ фаровонлиги учун хизмат қилаётганлиги диққатни тортади.

ЎЗ СОҲАСИНИНГ БИЛИМДОНИ

Партиядошларимиз ҳақида ҳикоялар

Акционерлик тижорат "Ипотекабанк" нинг Сурхондарё филиалида ҳам ибратли ишлар амалга оширилаётир. Масалан, биргина имтиёзли кредитлар берилишини олиб кўрайлик. Президентимизнинг 2005 йил 16 февралдаги "Уй-жой қурилиши ва уй-жой бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 10-сонли Қарори асосида ёши 30 дан ошмаган оилаларга уй-жой қуриш, уни реконструкция қилиш ва уй-жой сотиб олиш учун йиллик 5 фоиз, муддати 3 йилдан 15 йилгача бўлган кредитлар берилишида муайян ишлар қилинди. Ўтган йили ана шундай ипотека кредитлари 61 та ёш оилага, 1 миллиард 12 миллион сўмлик миқдорида тақдим қилинди.

Шунингдек, банк томонидан Термиз шаҳар 5-кичик даҳасидаги ёш оилалар учун иккита тўрт қаватли 32 хонадонли турар-жой бинoси қурилиши бошлаб юборилди.

Жамоада "Банк банк учун эмас, банк мижоз учун" деган шиорга қатъий амал қилиниб, молиявий хизматнинг бошқа турларида ҳам мувафақиятларга эришаётганлигини кўриш мумкин. Энг муҳими, бунда бизнинг партиядошларнинг, яъни банкдаги "Миллий тикланиш" партияси аъзоларининг ҳам ҳиссаси борлиги диққатга сазовордир. Биз қуйида ҳаёти ва меҳнат фаолияти ҳақида қисқача ҳикоя қилмоқчи бўлганимиз — Шуҳрат Жўраев ушбу муассасада қатор йиллардан бери меҳнат қилиб келади. Молиявий муассасада партиянинг бошланғич ташкилотини тузиб, хилма-хил тадбирлар ўтказилишида бош-қош бўлаётир.

Шуҳрат Жўраевнинг таржимаи ҳолига назар ташласак. Уни банк соҳасининг билимдони, дейиш мумкин. Шуҳрат ака мактабни тамомлаб, ҳунар ўрганди, қурилиш соҳасида меҳнат қилди. 1986 йили вилоят Давлат банкида муҳандис, сўнгра Агробанкда катта муҳандис, "Саноатқурилишбанк"да мутахассис ва бўлим бошлиғи каби турли вазифаларда ҳалол меҳнат қилди. 1994 йилда Тошкент молия институтини тугатди. Ҳозир Шуҳрат Жўраев "Ипотекабанк"нинг Сурхондарё филиалида инженер баҳоловчи бош мутахассиси вазифасида фаолият юритмоқда. Турмуш ўртоғи Самия Саидова билан 6 нафар ўғил-қизни тарбиялаб, воягa етказишмоқда.

— Мен аслида партиясиз эдим. "Миллий тикланиш" деган номни эшитдим-у, қалбимда қандайдир илиқ нур югургандай бўлди. Мақсад ва вазифалари билан атрофлича танишгач, ғурурланиб кетдим. Миллийлигимизни ривожлантириб, дунёга танилиш — қандай ажойиб мақсад. Юриш-туришимизда, бутун вужудимизда ўзбеклигимиз уфуриб тургани яхши-да. Шу партия сафида туриб, жонажон Ўзбекистонимизнинг янада гуллаб-яшнаши учун хизмат қилишни ўз фуқаролик бурчим деб биламан, — дейди фахрланиб Шуҳрат Жўраев.

У банк хизматлари билан ҳамиша банд. Шунингдек, партия ишларини ҳам бирга-ликда олиб бормоқда.

Жуманазар АНОРОВ,
"Миллий тикланиш" мухбири.

ASAKA BANK

АСАКА ДАТ БАНКИ БУХОРО ФИЛИАЛИ

қуйидаги омонат турларини таклиф этади

Миллий валютада

- **«БАХТЛИ АЁЛ» —** йиллик 30 фоиз, омонат муддати 5 ой.
- **«БАХТИЁР ЁШЛИК» —** йиллик 30 фоиз, омонат муддати 1 йил, коммунал ва бошқа тўловларга йўналтирилади.
- **«БАРАКА» —** йиллик 30 фоиз, омонат муддати 1 ой.
- **«ТАЪТИЛ — 2008» —** йиллик 30 фоиз, омонат муддати 6 ой, болалар спорт ва соғломлаштириш муассасаларига, Ўзбекистон Республикасидаги санаторий ва дам олиш уйларига.

Хорижий валютада

- **«ЛЮКС — 1» —** йиллик 12 фоиз, омонат муддати 1 ой.
- **«ЛЮКС — 2» —** йиллик 13 фоиз, омонат муддати 4 ой.

Аҳоли омонатларининг манбаларини тасдиқловчи ҳужжатлар Президентимизнинг 20. 02. 2008 йил ПФ-3968 Фармонига асосан талаб қилинмайди ва олинган даромадлар солиқлардан озод этилади. «Банк сири» ва «Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида»ги қонунлар билан сир сақланади ва кафолатланади.

● **Хорижий молия муассасалари**

Демократик жамият қуриш иқтисодиётнинг барча соҳаларида туб ўзгаришларни амалга оширишни тақозо этади. Бунда халқаро молия ташкилотлари билан самарали алоқаларни йўлга қўйиш муҳим аҳамиятга эга.

ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИДА ИСЛОМ БАНКЛАРИНИНГ ЎРНИ

Мустақиллик туфайли Ўзбекистон Халқаро валюта фонди, Жаҳон банки ва Осиё тараққиёт банки каби ташкилотлар билан яқин алоқа ўрнатди. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 27 августдаги "Ўзбекистон Республикасининг Ислом тараққиёт банкига аъзолиги тўғрисида"ги қарорига асосан давлатимиз Ислом тараққиёт банкининг ҳам тўла ҳуқуқли аъзоси бўлди.

Бугунги кунда жаҳоннинг 40 дан зиёд мамлакатларида ислом банклари фаолият кўрсатмоқда. Халқаро банклар рейтинг агентликларининг маълумотларига кўра, бу молия муассасаларининг умумий маблағи 200-300 млрд. долларни ташкил этади. Бу кўрсаткич йилига 15 фоиздан ошиб бормоқда. Дастлаб Ўрта Шарқда пайдо бўлган исломий банк тизими ҳозирда бир қатор ривожланган давлатларда ҳам фаолият кўрсатмоқда. Масалан, Буюк Британиядаги 1,8 млн. мусулмон аҳолининг эҳтиёжини қондириш мақсадида 2003 йили Лондонда Британия исломий банки ташкил қилинди. Британиянинг бешлик банкларидан бири ҳисобланган Lloyds TSB эса биринчилардан бўлиб аҳолига шариат аҳкомлари асосида хизмат қилувчи ҳисоб рақамларини таклиф этди. 2006 йилнинг май ойида АҚШ молия вазири молиявий бозорни янада яхшироқ ўрганиш учун исломий молия тизими бўйича маслаҳатчи вазифасини жорий этди. Ҳозир Малайзияда исломий молия аҳкомларига тўлиқ жавоб бера оладиган саккизта банк бор. Сўнгги пайтларда кўплаб ғарб банклари дунёнинг турли мамлакатларида ўзларининг исломий шўъбаларини очмоқда. АҚШнинг машҳур банкларидан "Ситибанк" махсус ислом фондлари учун 1 млрд. доллар миқдорида маблағ ажратганлиги ҳам молия бозорида ислом банкларининг роли тобора ортиб бораётганлигига мисол бўла олади.

Айни пайтда ислом банкларида шариат талабларига қатъий риоя қилган ҳолда анъанавий банк операцияларининг деярли барчаси, яъни депозит, кредит, аккредитив, ҳисоб, тўлов операциялари амалга оширилади. Улар саноат, қишлоқ хўжалиги, тижорат ва хизматлар кўрсатиш соҳаларига катта маблағларни инвестиция қилмоқда.

Руслан ТУРСУНОВ.

МЕНЕЖЕР ҚАНДАЙ ФАЗИЛАТЛАРГА ЭГА БЎЛИШИ КЕРАК?

Истиқлолга эришганимиздан сўнг биз учун дунё эшиклари очилди. Биз ҳам дунёга ўз эшикларимизни очдик. Иқтисодий алоқалар ривожланган сари тилимизга бизнес, маркет, маркетинг, менежмент, менежер каби сўзлар кириб келди. Кейинроқ эса шундай касблар эгалари пайдо бўлди. Хўш, бундай касб эгалари қандай фазилатларга эга бўлиши керак? Уларнинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги ўрни қандай? Бу каби саволлар бугун барчани қизиқтириши табиий.

Янги нашрлар

Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов менежерлар ҳақида гапириб: "Ҳозирги замон бошқарув кадрлари, менежерлари юқори касбий маҳоратга эга бўлибгина қолмай, балки ҳар бир жиҳатдан маълумотли, ўз соҳаларининг билимдони, ташаббускор, топширилган иш учун жон куйдирадиган, муаммоларни ҳал қилишга ижодий ёндашадиган кишилар бўлишлари, энг муҳими эса, ватанимизнинг чинакам фидойилари бўлишлари лозим", — деган эди.

Шу нуқтаи назардан олиб қарайдиган бўлсак, Абдурашид Тўхтабоевнинг яқиндагина нашр этилган "Менежер фазилатлари" китоби ушбу касб эгаларини тайёрлаш ва қайта тайёрлашда ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга. Чунки мазкур китобда бугунги кун талабларига жавоб берадиган бошқарув кадрларини тайёрлаш ва уларда замонавий бошқариш кўникмаларини ҳосил қилиш йўл-йўриқлари аниқ мисоллар орқали кўрсатиб берилган. Шунингдек, қўлланмани ўқиган одам замонавий менежер қандай бўлиши зарурлиги, раҳбарлик ва сардорлик сифатлари, ўзида ташаббускорлик, янгиликка интилувчанлик ҳамда тадбиркорлик хислатларини такомиллаштириш йўллари ҳақида ҳам кенг маълумотга эга бўлади.

Бундан ташқари, ушбу китобда замонавий менежер фаолиятининг асослари, инсонларга таъсир ўтказа билиш санъати, вақтни бошқара олиш ҳамда нотиқлик қоидалари, ишбилармонликнинг умумий этикаси, миллий-маданий хусусиятлари ҳақида ҳам сўз юритилган. Қўлланмадан ҳатто ушбу мавзуга оид тестлар ва машқлар ҳам ўрин олган.

Мисол учун, муаллиф ишбилармон киши қандай кийиниши ҳақида фикр юритар экан, қуйидагиларни ёзади: "Ишбилармон кишининг ҳозирда энг кенг тарқалган ва тан олинган кийими костюм ҳисобланади. Ўзаро муносабатларда, энг аввало, одамнинг қандай кийинишига қарашади. Биз танишаётган одам тўғрисидаги биринчи таассурот хотирада узоқ қолади. Шунинг учун ўз ташқи кўринишига эътиборсиз бўлган одам катта хато қилади.

Масалан, чиройли ва ораста кийина билиш — ишда юқори ташкилотчиликдан дарак берувчи, ўзининг ва бировнинг вақтини қадрига етувчи одамнинг хусусияти ҳисобланади. Ўзига эътиборсизлик бу паришонхотирлик ва палапартишликнинг ўзгинасидир".

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, қўлланмада менежернинг фазилатлари ҳақида жуда кўп маълумотлар берилган. Шунинг учун ҳам у Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан ўқув қўлланма сифатида тавсия этилган.

Олимжон ЎСАРОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

Эл соғлиғини юрт бойлигига айлантираётган жамоалар орасида Тошкент шаҳар тиббий меҳнат экспертиза хизматининг 4-сонли ихтисослаштирилган кардиологик тиббий меҳнат экспертиза хизмати аъзолари ҳам бор.

ДУНЁДА ЯХШИЛАР КЎП

— Мамлакатимизда инсон саломатлигини сақлаш устувор вазифалардан ҳисобланади, — дейди экспертиза хизмати раиси Севара Соипова. — Бунинг учун барча шароит ва қулайликлар яратилган. Тиббиёт соҳасида изчил амалга оширилаётган ислоҳотлар шарофати билан эришилаётган ютуқлар кўпаймоқда. Аммо, қарс икки қўлдан чиқади, деган мақол бежиз айтилмаган. Хусусан, шифокорлар, балки фуқароларнинг ўзлари ҳам ўз соғлиқлари учун масъулдирлар. Улар саломатликларини вақти-вақти билан назорат қилиб туришса ҳеч қандай муаммога ўрин қолмайди. Кейинги пайтларда кўпчилик буни унутиб қўймоқда. Ўз соғлиғи учун қайғурмаяпти. Шунинг учун ҳам режага мувофиқ маҳалла ва меҳнат жамоаларида учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказиб, аҳоли орасида тушунтириш ишларини олиб боряпмиз. Ўз соғлиғига бефарқ бўлиш қандай ноҳуш оқибатларга олиб келиши мумкинлигини одамларга тушунтиряпмиз.

Ширин сўз ҳам даво

Ёшларнинг ҳар томонлама соғлом ва баркамол инсон бўлиб етишиши, аввало, оиладаги муҳит, шарт-шароитга боғлиқ. Комиссия аъзолари хасталиги туфайли ногиронликка чиққан, меҳнат қобилиятини йўқотган беморларнинг соғлиғи тўғрисида доимий равишда қайғуриб келмоқда. Туғма юрак нуқсонлари бор ёшларни назорат қилиб, даволашга, ўқишга ва ишга йўлланмалар беришяпти. Қолаверса, беморларнинг уйларига бориб, улардаги касалликнинг келиб чиқиш сабабларини синчиклаб ўрганиб, зарурат сезилганда гуруҳ ногиронлигини белгилашмоқда. Комиссия раиси, моҳир кардиолог Севара Соипова билан бир сафда беморлар дардига малҳам бўлиб, улардан ўз хизматларини, ширин сўзларини аямаётган тажрибали кардиолог Нодира Салиҳова, олий тоифали терапевт Шоҳиста Исматова, катта ҳамшира Маъсуда Рустамовалардан бугун кўпчилик мамнун. Уларнинг адолатли ташхис ва хулосалари беморларга малҳам бўлмоқда, ўксик қалбларни тоғдек кўтаряпти.

— Аввало инсон соғлиғига путур етмасин, — дейди Севара Соипова. — Мабодо шундай бўлса, асло ўкинмаслик керак. Ахир, сен ёлғиз эмассан. Атрофингда соғлиғинг учун қайғурадиган, дардингга малҳам бўладиган меҳрибон одамлар бор. Жамиятдан асло ажралиб қолмайсан. Ҳамиша яхши одамларнинг меҳрини ҳис этиб яшайсан. Эҳтимол, бу сенинг тезроқ оёққа туриб кетишинг, ўз ишингни яна қайта бошлашинг учун қулай бир имконият бўлар. Энг муҳими, тушкунликка тушмаслик керак...

Ҳар куни ўнлаб ногиронлар бу жамоанинг тиббий меҳнат экспертиза хизматидан баҳраманд бўлишади. Қўли енгил, очиқ чеҳрали шифокорлар улардан меҳрини аяшмайди. Ишларини битириб, кузатиб қолар экан: — Яхши бўлиб кетинг, — дея тилак билдиришади. Яхши ният эса инсонга доимо зийнат бағишлайди.

Рустам ДОСТОН.
Суратда: тиббий меҳнат экспертиза хизмати раиси Севара Соипова эксперт Шоҳиста Исматова ва катта ҳамшира Маъсуда Рустамова билан суҳбатлашмоқда.

Носир ХАЙДАРОВ олган сурат.

Мактабгача таълим масканларида

Бу аёлнинг мутахассислиги — тарбиячи. 21 йилдан буён Миришкор туманидаги «Олтин балиқча» мактабгача таълим муассасасида ишлаб келаётир. Мана, ўн бир йилдирки, шу масканда раҳбарлик қилиб келмоқда. У бир жойда шунча муддат фаолият кўрсатиб, тажриба орттирди, таъбир жоиз бўлса, тарбиячиликда ўз мактабини яратишга улгурди. Уғилой Ибрагимовани таниганбилганлар жонкуярлиги, ҳар бир ишга чин кўнгилдан ёндашиши боис ҳурмат қилишади. У барча болаларни ўз фарзандидек кўриши, меҳрибонлиги, ширинсўзлиги, ўрни келганда ўта талабчанлиги билан бошқа ҳамкасбларига ўрнак бўлиб келади.

МЕҲР ОҒУШИДА

Болалар билан ишлаш осон эмас. Бунинг учун биринчи навбатда меҳридарё бўлиш, болажонлар билан тиллаша олиш керак, албатта. Ўрни келганда болалардек содда бўлиш лозим, уларга қаттиққўллик билан муносабатда бўлиш ҳар доим ҳам яхши натижа бермайди. Уғилой опа ҳар куни ишга шошилиб келади, касбини севади, шу касбни танлаганидан афсусланмайди сира.

110 ўринли икки қаватли бинонинг ҳар бир хонасидаги озодалик, тартиб-интизомни кўриб, ҳавасингиз келади. Бу мактабгача тарбия муассасасида 3 ёшдан 6 ёшгача бўлган болалар тарбияланишади. Уғилой опа талабчан раҳбар. Жонкуярлиги, ҳар бир ишга сидқидилдан ёндашгани учунми, ёнидагиларнинг ҳам фидойи бўлишини истайди.

— Бугуннинг боласини алдаб бўлмайди. У катталардек сизни саволга тутади. Тайинли жавоб топиб бериш учун ҳар бир тарбиячи замон билан ҳамнафас, ҳамқадам бўлиши керак, — дейди у. — Бу масъулиятни жамоамиздаги ҳар бир ходим яхши тушунади. Зилола Рўзиева, Гулхан Маматова, Гулчеҳра Рўзиева сингари тарбиячиларимиз ҳамда тажрибали ҳамшира Гулшан Бозорови бошқаларга ўрнак қилиб кўрсатгим келади. Ота-оналар фарзандларини кун давомида бизга ишониб топширишар экан, мана шу ишончни оқлашимиз керак, дейман ҳамкасбларимга. Болажонларни турли қизиқарли ўйинларга жалб этиш, уларнинг ўз вақтида овқатланиши, дам олиши, саломатлигини назорат қилиш ва бошқа бир қатор мажбуриятларни ҳис қилган ҳолда ишлаймиз. Аслида уларни мажбурият эмас, бурч деб тушуниш керак. Соғлом авлодни тарбиялаш бизнинг касбий бурчимиздир.

Мана шундай интизом бўлган масканда тарбияланаётган ўғил-қизларнинг ота-оналари жамоадагиларнинг хизматидан миннатдор. Шодлик қишлоғида яшовчи отахон Сардор Узоқов набираси Озоджоннинг туман спартакиадасида ғолиб бўлганидан мамнун бўлиб шундай дейди:

— Бу ерда икки набирам тарбияланади. Эрта тонгдан боғча-га бораман, деб шошилишганини кўриб, қувонаман. Боғча опалари ширинсўз, меҳрибон бўлганидан шундай қилишади-да! Ҳаммаси ҳам умридан барака топишсин, шулар бор экан, болаларимиз мактабга чиқмай ўқиш-ёзишни ўрганишаяпти.

Муҳими, бу ерда тарбияланаётган иқтидорли болалар доимо рағбатлантириб борилади. Шунинг учун бўлса керак, улар ёш бўлса-да, мақсад сари интилишни билишади. Айни кунларда мактабгача таълим муассасалари ўртасида ўтказилган «Соғломжон-полвонжон» спорт мусобақаларида қатнашган 12 нафар «Қалдирғоч» гуруҳи аъзолари тайёргарлик кўришаётир.

— Болалар билан ишлаш мароқли, — дейди Уғилой опа. — Улар билан гаплашсангиз, дунё ташвишларини унутасиз. Болалигингиз ёдингизга тушади. Шинам, озода ва ёруғ хоналарда болажонларимиз учун барча шароитлар муҳайё. «Авазбой ўғли Полвон» фермер хўжалиги раиси Ашур Авазов, «Рўзимамат ўғли Янгибой» фермер хўжалиги раиси Рустам Янгибоевлар бизга доимо ҳомийлик ёрдамини кўрсатиб келишади. Бир болага етти қўшни ота-она, дейди халқимиз. Ёш авлоднинг ҳар томонлама баркамол бўлиб улғайиши учун жон куйдирган, имкони борича уларнинг тарбиясига, илм-фан сирларини ўрганишига эътибор берган одамларни қадрлайман.

Тарбиячи опанинг гапларида жон бор, таълим-тарбия ишида фидойилик ғалаларни қанча қадрласак арзийди. Тажрибали тарбиячи, ўз касбининг устаси бўлган Уғилой Ибрагимованинг ўзи ҳам мана шундай қадрга лойиқ, назаримда.

Лазиз_ВОҲИДОВ.

ИБРАТ ТАРБИЯ ЭМАСМИ?

"Негадир улғайганимдаги кўп воқеалар эсимдан чиқиб кетгану мурғак болалигим яққол хотирамда", — деган эди таниқли бир ёзувчи. Бу кўпчиликка хос ҳолат. Эсини таниётган бола атрофга, борлиққа кўпроқ қизиқувчан бўлади.

Шундай экан, фарзанди хотирасида яхши воқеалар қолиши учун оилада катталар жанжалдан сақланиши, болаларга нисбатан эътиборлироқ бўлишлари лозим. Ўзаро муаммолар, болалар эшитиши мумкин бўлмаган гаплар оила даврасидан алоҳида гаплашилиши мақсадга мувофиқ.

Шу ўринда бир кишининг сўзларини келтириб ўтишни жоиз топдим. "Одамнинг бошида ҳар хил иш бор экан. Унда болаларимиз ёш эди. Муаммоларимизни ҳал қилиш учун бировдан катта қарз олдик, узгунимизча анча вақт ўтди. Ҳар қанча билдирмасликка ҳаракат қилсак ҳам, тўнғичимиз қарзимиз борлигини билиб қолди. Ёш бола, ҳеч нарсани тушунмайди деб бепарво бўлмаслик керак экан. Чунки ўшанда ўғлимиз бирданига болаларга қўшилмай қўйганди. Ҳатто музқаймоққа деб пул берсак ҳам олмасди. Кейин ҳамма ишларимиз жойига тушиб кетди, ўғлимиз ҳам яна ўзига келди. Лекин ўша пайтдаги ўйчанлиги ҳали ҳам бор. Бирор нарсадан таъсирланса, дарров кўзларига ғам чўкади".

Мулоҳаза

Яна бир таниқли кишидан болалиги ҳақида сўрасам, «Эслагулик ҳеч гап йўқ, дадам ичиб келсалар, аям бизни қарғай бошлардилар», деди.

Бола билан ҳисоблашиш, ўрни келганда маслаҳатлашиш уларни фикрлашга, мустақилликка ўргатади. Оилада ўз ўрни борлигини ҳис қилади. Энг муҳими, болани ҳеч қачон сендан одам чиқмайди, сен буни эплолмайсан, деб койимаслик керак. Аксинча, рағбатлантириш, қобилиятига қараб йўл кўрсатиш ўзига бўлган ишончини орттиради.

Ривоятда айтилишича, бир йигит кекса, касалманд отасини кўп хўрлар, хотинининг гапига кириб, ҳатто бирга овқатланмас ҳам экан. Ўзлари чинни идишларда овқатланишгани ҳолда, отасига тушириб юборса ҳам синмайди, деб ёғоч косада таом беришаркан. Шўрлик отанинг ҳолидан фақат кичкина набирасигина хабар олиб тураркан. Кунлардан бир куни йигит қараса, ўғли ёғоч йўниб ўтирганмиш.

— Нима қиляпсан, ўғлим, — ҳайрон бўлиб сўрабди ота.

— Коса ясаяпман. Сиз билан ойим қариганингизда шу косада овқат бераман, — деб жавоб берибди бола.

Кўриниб турибдики, отанинг қилмиши болада шундай қилиш керак экан, деган фикр туғдирган.

Яна бир гап. Катталар ёлғон гапирган уйда болалар ҳам ёлғонга ўч бўлишади. Аввал вазиятдан чиқиб кетиш учун, кейин, қаттиқ гап эшитишдан чўчиб ёлғон гапиришади ва ниҳоят, бу одатий ҳолга айланади. Кўпинча биров чақириб келса ёки телефонда сўраса, йўқ деб юборавер, деб болани ёлғонга ўзимиз ўргатамиз.

Чақалоқ туғилганда табиати покиза бўлади. Тоза, мурғак вужуднинг яхши инсон бўлиб етишишида тўғри тарбиянинг ўрни муҳим. Ҳамонки, болалар катталарга тақлид қилишаркан, шундай қилайликки, болалар бизлардан фақат яхшиликни ўрганишсин. Уларга ширин хотирларга йўғрилган болаликни ҳадя қилайлик.

Жамила АБДИЕВА,
Низомий номидаги ТДПУ талабаси.

Муассис: «Миллий тикланиш» демократик партияси

MILLIY TIKLANISH — ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТА — МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ

Бош муҳаррир Ҳосил КАРИМОВ

ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона — 233-67-51. Бўлимлар — 236-58-73.
E-mail: milliy-tiklanish@mail.ru

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

® - Тижорат материали

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.

Босишга топшириш вақти 22.00
Нашр кўрсаткичи — 158

Газета 02 23-рақам билан рўйхатдан ўтган. Буюртма: Г — 323. Ҳажми 2 босма табоқ.
Адади 2848
Сотувда эркин нархда

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй

1 2 3 4 6

Босишга топширилди — 05.30